

2020

## EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS

Matlyuba Qaxxarova

*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN*, m.qaxxarova@iiau.uz

Baxtiyor Mamarasulovich Absattorov

*Tashkent state pedagogical university*, absattorov86@bk.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau>



Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#), [Ethics and Political Philosophy Commons](#), and the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

---

### Recommended Citation

Qaxxarova, Matlyuba and Absattorov, Baxtiyor Mamarasulovich (2020) "EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss1/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Matlyuba QANHOROVA,**  
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF  
UZBEKISTAN,  
doctor of philosophy, Associated professor at the chair  
of "Social-humanitar sciences". m.qaxxarova@iiia.uz;  
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

**Bakhtiyor ABSATTAROV,**  
Independent researcher of PhD of TSPU named after  
Nizami Evolution of views on ethics, ethical criteria and  
ethical standardsabsattorov86@bk.ru  
Tashkent 100011, Uzbekistan

## АХЛОҚ, АХЛОҚИЙ МЕЗОН ВА АХЛОҚИЙ МЕЪЁР ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

### ЭВОЛЮЦИЯ ВЗГЛЯДОВ ОБ ЭТИКЕ, ЭТИЧЕСКИХ КРИТЕРИЯХ И ЭТИЧЕСКИХ НОРМАХ

### EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS

**Таянч сўзлар:** ахлоқ, одоб, ахлоқий онг, ахлоқий маданият, ахлоқий мезон, ахлоқий меъёр, ахлоқий муносабатлар, ахлоқий мақсад, ахлоқий қонун, ахлоқий қоида.

**Ключевые слова:** нравственность, воспитанность, нравственное сознание, нравственная категория, нравственные нормы, нравственные отношения, нравственные цели, нравственные законы, нравственные правила.

**Key words:** ethics, good breeding, moral consciousness, ethical culture, ethical standards, ethical relations, moral goals, ethical laws, ethical rules.

Республикамиз зиёлилари ўртасида «ахлоқ»нинг моҳияти, предмети, тушунчалари ва ривожланиш қонуниятларига бағишланган қизгин мунозаралар олиб борилмоқда. Бунга сабаб ахлоқнинг кўп қиррали тушунча эканлигидир. У инсон фаолиятининг барча қирраларини, унинг яққол кўзга ташланувчи барча эзгу фазилатларини ҳам қамраб олганлигидадир. Ҳозирги кунда ҳам ахлоқий мезон ва меъёрлар борасида мунозаралар давом этмоқда. Матбуотда ушбу мавзуга бағишлаб кўплаб мақола ва мулоҳазалар эълон қилинмоқда, китоблар чоп этилмоқда. Уларда ахлоқнинг маъно-мазмун, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Лекин аксарият ҳолларда ахлоқ ўзи нима, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб топиш қийин. Унга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама қарши, ноаниқ саёз жавоб ва фикрлар билдиришмоқда. Тўғри, «ахлоқ» тушунчасига

илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларни келтириш мумкин. Умуман, ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунини мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси муаллиф ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари, эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериб келаётганликларини кўрамиз. Унга ҳам бир табиий ҳол сифатида қарамоқ лозим. Бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир-биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазаларда, таърифларда ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, кейинги йилларда мазкур мавзуда олимларимиз томонидан тайёрланган илмий мақолалар, рисоалар, ўқув қўлланмалар, лугатларда «ахлоқ» тушунчаси ва унинг тамойилларига ўзига хос изоҳ ва таърифлар бериб келинмоқда. Бунга сабаб «ахлоқ» тушунчаси кенг маънода жамият ҳаётидаги маънавий ва маърифий, ғоявий, мафкуравий, маданий, диний қарашларни ўзида тўла мужассам этган ижтимоий-маънавий ҳодиса эканлигидир.

Аслида ахлоқ жамиятда фаол ҳаракатда бўлган кишиларнинг инсонпарвар табиати, муомала маданияти, одоб доирасидаги эзгуликка асосланган ҳатти-ҳаракатини англатади. Аслини олганда, ахлоқ-маънавий оламнинг ядроси ҳисобланади. Инсон – табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юксак ахлоқ эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Бу имконни бошқа жонзотларда кўрмаймиз. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам «Дин нимадир?» дея сўралганларида «Гўзал ахлоқдир» дея жавоб берганлар. Инсонлар учун энг гўзал ўрнак бўлган Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ахлоқлари эса Қуръони Каримдан келиб чиқади. Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиёмат куни мўминнинг мезонида ҳусни хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмас. Албатта, Аллоҳ фаҳш ва чиркин сўз айтувчини ёмон кўрур», дедилар». Термизий ва Абу Довуд ривоят қилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ахлоқий муаммоларнинг энг яхши ечими маҳалла, жамоат эканлигини алоҳида таъкидлайдилар: «Мўминларни ўзаро раҳмдиллик, дўстлик ва ҳамдардлик қилишликда бир аъзоси оғриси, қолган барча аъзолари биргаликда уни ҳимоя қилиб дарддан халос бўлишига кўмаклашувчи бир тана кабидир деб билгин!» (O'zME 2008) – деганлар.

Муқаддас Қуръони Каримда севиқли Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳақларида «Албатта сиз Улуғ Хулқ устидадирсиз» деган оят нозил бўлган (Қалам сураси, 4-оят). Демак, у зот бутун башариятга ибрат бўлгулик хулқ соҳиби бўлганлар. Бу хусусда ўзлари ҳам: «Дарҳақиқат, мен улуғ хулқларни камолига етказиш учун пайғамбар

Мазкур мақолада ахлоқ, ахлоқий мезон ва ахлоқий меъёр тушунчалари фалсафий нуқтаи-назардан қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, Шарқ ва Ғарб файласуф олимларининг ахлоқий қарашлари, ахлоқ муайян жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиб турувчи ва ўша жамиятдаги бирлик, барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи меъёрлар эканлиги, уларнинг шахс ва, асосан, жамият манфаати ва эҳтиёжга хизмат қилиши, амалда иш бериши уларнинг мавжудлигини оқловчи бирламчи мезон сифатида мақола мавзуси доирасида батафсил очиб берилган.

Ахлоқ кўпроқ инсоннинг эзгуликка йўғрилган фазилатларини ўзида акс эттириши. Инсоннинг ички дунёсига қанчалик чуқур кириб борсангиз ёки ҳар бир миллат дунёқарашини ўзига хос жиҳатларини қиёсий таҳлил қилинганда ахлоқий мезон ва ахлоқий меъёр масаласида шунчалик турли-туманлик мавжудлигини келтириб ўтилган.

Ахлоқий мезон ва ахлоқий меъёрни белгилашда адолат тушунчаси ҳам ўзига хос аҳамият касб этиши. Зеро, адолат ўзига хос ахлоқий категория бўлиб, ижтимоий ҳаётда, давлат ва жамият бошқарувида муҳим ўрин эгаллаганлиги. Адолатнинг ахлоқшуносликда категория сифатида қарор топиши, шаклланиш эволюцияси жуда узок тарихга бориб тақалиши, хусусан, адолатга интилиш ибтидоий жамоа тузуми даврида уруғ ичида ўзига хос анъана ва урфларни шакллантирилганлиги изоҳланган.

В данной статье проведен сравнительный анализ таких понятий, как «нравственность», «нравственные критерии» и «нравственные нормы» с философской точки зрения. В ней подробно раскрыта сущность взглядов ученых-философов Востока и Запада о том, что нравственность является нормой по упорядочению взаимоотношений между людьми в обществе и обеспечению единства и стабильности, которые служат интересам и потребностям людей и общества в качестве первичного критерия.

Важное значение при определении нравственных критериев и нравственных норм играет понятие справедливости, которая представляет собой своеобразную нравственную категорию и занимает важное место в социальной жизни, в государственном и общественном управлении. Также в статье дается определение понятия справедливости в качестве нравственной категории, сведения относительно эволюции формирования этой категории, в частности истории, формирования внутриплеменных обрядов и обычаев в период первобытно общинного строя.

This article is dedicated to a comparative analysis of such concepts as “morality”, “moral criteria” and “moral norms” from a philosophical point of view. It describes in detail the essence of the views of philosophers of East and West that morality is the norm in streamlining the relationship between people in society and ensuring unity and stability, which serve the interests and needs of people and society as a primary criterion.

Important in determining moral criteria and moral standards is the concept of justice. Which last represents a peculiar moral category and occupies an important place in social life, in state and public administration. Also, the article defines the concept of justice as a moral category, the information is positive that the evolution of the formation of this category in particular history, the formation of tribal rites and customs during the period of primitive communal system.

қилиб юборилганман”, деб марҳамат қилганлар (*Qur'oni Karim 1992:425*). Шу боисдан ҳам ахлоқшунос олим А.Шер «Ахлоқ – жамият, замон ва инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти – ҳаракатлар йиғиндиси», (*Abdulla Sher 2000:15*) деган таърифни беради. Бундан маълум бўладики, ахлоқ жуда кенг қамровли тушунча бўлганлиги учун ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек, уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул. Ахлоқ «хулқ» сўзининг кўплиги сифатида намоён бўлади, инсонда шаклланадиган хулқ-атворни англатади. Баъзи олимлар ахлоқни «инсон иродасининг одати» деб баҳолайдилар. Яъни, инсон ўз иродаси орқали ўзига бир нарсани одат қилиб олса, ўшани ўзига хос ахлоқий қиёфа сифатида намоён этади. Албатта, юқорида келтирилган фикрларнинг ҳаммасида ҳам ахлоқ тушунчасининг кўпгина кирралари ўз ифодасини топган ва муаллифлар ўзларининг нуқтаи назарларини билдирганлар, аммо уларда ахлоқий мезон ва ахлоқий меъёр масаласи эътибордан четда қолганлиги кўринади. Ҳали яна кўплаб олимларимиз «ахлоқ» тушунчасига ўз муносабатларини билдирадилар ва ана шу

турли фикрлар асосида ахлоқий мезон ва ахлоқий меъёр тушунчалари доирасида умумий мукамал таъриф шаклланади, деган умиддамиз. Бугунга қадар ахлоқий мезон ва ахлоқий меъёр тушунчаларига мукамал таъриф шаклланмаганлигига сабаб, уларнинг кенг қамровли, мураккаб ва айни вақтда «содда» тушунчалар эканлигидадир.

Ахлоқ муайян жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиб турувчи ва ўша жамиятдаги бирлик, барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи меъёрлардир. Уларнинг шахс ва, асосан, жамият манфаати ва эҳтиёжга хизмат қилиши, амалда иш бериши уларнинг мавжудлигини оқловчи бирламчи мезондир. Манфаат ва эҳтиёжлар ўзгариши билан уларга хизмат қилаётган меъёрлар ҳам ўз-ўзидан ўзгаришга учрайди. Зеро, бир муҳитда ижобий натижа берган меъёрлар ўзгарган ёки бошқа бир муҳитда акс натижа бериши мумкин. Эҳтиёж ва манфаатни эски меъёрларга мослаштиришга уриниш эса деярли самара бермайди. Бу чақалоқнинг кийимини катта одамга кийдиришга уринишдек беҳуда иш бўлиб қолади. Бу айниқса турли замонларда яшаган кишиларнинг ахлоққа

муносабатидаги фарқда яққол намоён бўлади. Дейлик, бир замонда кулдорлик ахлоқсизлик саналмаган бўлса, бошқа замонда жиноят деб баҳоланиши мумкин ва ҳ.к. Ахлоқий меъёрлардаги ўзгаришни сунъий тарзда жиловлаш, хусусан, уларни миллий ва диний қадрият ўлароқ ўзгармас муқаддас нарса деб билиш, ижтимоий шароит ва хизматини ўтаб бўлган меъёр ўртасида катта жарликни пайдо қиладики, оқибатда жамиятда иккиюзламачилик ва мунофиқлик урчиб кетади (<https://khyuldoshev.wordpress.com/category/mulohaza/>). Шу боисдан ҳам Х.Йўлдошев “Ахлоқ меъёрий характерда бўлгани боис, кишилар хатти-ҳаракатига таъсир этиб уни йўналтириб турса-да, вақти-вақти билан шароитнинг етилиши орқасидан, ўзи ҳам ўзгара бошлайди. Кичик жамоаларнинг катталашиб, уруғлар, қабилалар, давлатлар пайдо бўлиши, ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларининг мураккаблашуви инсонларни янги шароитга мослашишга мажбур қилган. Мослашиш эса ахлоқий меъёрларга таъсир этмай қолмайди, албатта. Бунда, айниқса, ислохотчи ҳукмдорлар, файласуфлар ва янги вужудга келган динлар муҳим роль ўйнаган”, – (<https://khyuldoshev.wordpress.com/category/mulohaza/>) деб ёзади.

Ахлоқ кўпроқ инсоннинг эзгуликка йўғрилган фазилатларини ўзида акс эттиради. Инсоннинг ички дунёсига қанчалик чуқур кириб борсангиз ёки ҳар бир миллат дунёқарашини ўзига хос жиҳатларини қиёсий ўргансангиз ахлоқий мезон ва ахлоқий меъёр масаласида шунчалик турли-туманлик мавжудлигини тушуниб етасиз. Мана шунинг учун ҳам ахлоқий мезон ва ахлоқий меъёр тушунчаларига мукамал, ҳар тарафлама тўлиқ таъриф бериш мушкулроқ. Шу боисдан ҳам Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асрида ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етуқликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У мазкур нарсаларни бир ўзи қўлга кирита олмайди, балки бу жараёнда ўзига ўхшаган кишиларнинг, яъни жамиятнинг ёрдамига муҳтож бўлади. Бу ишда етук жамият, идеал давлат ҳақидаги фикрларни ривожлантириб, аллома инсон ва инсоният тараққиётида жамият аъзоларининг биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари лозимлигини уқтиради. Идеал жамият аъзолари эса нафақат ислом ахлоқий, балки умумбашарий қ-адриятларнинг ҳам ўрнини тўғри тушуниши, ёшларга таълим ва тарбия бериш жараёнида ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар муштараклигига эришиш кераклигини кўрсатади (*Xayrullaev M 1961:39-40*).

Мавлоно Румий ахлоқий қарашларидаги ўзи хос хусусият шундаки, у инсондаги нафсий ва маънавий томонларнинг уйғунликда қарор топишини уқтиради. Жумладан, бу ҳақида шундай ёзади: “Сен балки эътироз этарсен: мен олий амаллар

ила бандмен. Лекин булар бари ёлғиз ўзинг учун холос. Моҳиятинг учун эмас. Илло талон-тарож этишмасин, шарманда қилишмасин, ўлдиришмасин деб илми ҳуқуқ ўрганасен. Юлдузларга боқиб, мол-мулк баҳосини белгилай, зарур ҳайрли кунни тайин этишга қодир бўлай, деб илми ҳайъатга кўл ургансен. Тиббиётдан муродинг- танигни парваришлаш. Аммо сен танҳо танадан иборат эмас-сен-ку. Танинг- от, сен-суворийсан. Ақлли суворий отни охурсиз қўймагай, лекин ўзи ўша охурга тушиб ётмагай. От емиши суворийга озук бўлолмас. Сен отни уз йўлингга эмас, от сени уз йўлига солимиш. Сен бутун бир дунёга арзигуликсен. Эвоҳки, ўз баҳойингдан ўзинг беҳабарсен” (*Fish Radiy 1986:34*). Имом Ғаззолий бу хусусда шуни таъкидлаб ёзади: “Нафс ва ахлоқ тарбияси жиддий ва мушкул иш. Ҳатто ғайрати жўш уруб турган баъзи ботирлар ҳам бу меҳнат қаршисида ожиз. Тасаввур уй-фикрлари қусурли бўлгани учун улар ўзини бу ишдан четга тортишади, яъни ахлоқни ўзгартириш тасаввурга сиғмайдиган иш, чунки табиат ўзгармайди, деган фикр билан ўзларини оқлашади” (*Abu Homid G‘azzoliy 2006:21*). Шунингдек, Имом Ғаззолийнинг ҳаром ейиш ҳақида тўхталиб, мана бундай дейиши бежиз эмас: «¼ хоҳи зулм билан олинган бўлсин (куч ишлатиб, хоинона ундириш ва босқинчилик-ўғрилиқ йўллари билан олиш); хоҳ завқ ва ўйин йўли билан олинсин (қимор ва шунга ўхшаш нарсалар билан бўлганидай); хоҳ ҳийла ва найранг йўллари билан олинсин (товламачилик ва алдамчилик, тарозидан уриш каби); ўз моли ва бойлигини ҳаром ишларга (ичкиликбозлик, қимор, фоҳишабозлик) харжлаши - ҳаммаси ҳаром ейишга киради» (*Abu Homid Ғаззолий 2002:336*). Имом Ғаззолий яна гўзал ахлоқни Ҳақ таолони севиш билан ва унга томон интилиш билан боғлаб шундай ёзади: “Инсон дунё муҳаббатини қалбидан чиқариб, ўрнини Оллоҳ таолога муҳаббат билан тўлдирса, мана шу энг гўзал ахлоқдир. Бундай хулқни ҳосил этган киши учун улуг ва қудратли Зот – Оллоҳнинг дийдорига етишдан суюқлироқ нарса йўқ”, деб таъкидлайди буюк аллома (*Abu Homid G‘azzoliy 2006:30*).

Оламни гўзал гулистонга айлантирувчи хаёлдаги нур аслида, инсон қалбидаги Оллоҳга бўлган меҳр нуридир. Бу меҳр нури барча инсонларга берилган. Чунки инсон Оллоҳ меҳридан яратилган ва яратувчининг меҳри унинг қалбида жойлашгандир. Лекин, бу меҳрни қалбдан юзага чиқаришга кўп тўсиқлар халақит беради. Бу тўсиқлардан асосийлари инсонни моддий оламга меҳр қўйишидир, шу жумладан ота-онасига, бола-чақасига, ёру-биродарларига боғланиб қолиши. Инсондаги ҳиссиёт кўпинча ўз меъёрини билмайди. Чунки инсон ўз ҳиссиётларини ирода кучи билан бошқара олмайди. Агар инсон иродаси ақлга таянмасдан, инсондаги ниҳоятда нозик, латофатли, руҳга таянса, унда ҳиссиёт-

лар меъёрига тушади ва инсоннинг ҳиссий оламида сукунат, хотиржамлик пайдо бўлади. «Фақат Оллоҳ севгиси одамларнинг барчасида (ҳатто) кофирда, яхудию будпарастда ҳам яшириндир. Ахир инсон ўзини яратганни қандай қилиб севмасин? (У севади) фақат севгиси унда гизлидир. Чунки айрим тўсиқлар борки, ишқнинг ошқор бўлиши имконсиз. Қачонки, тўсиқлар ўртани бўшатади, севги юзага чиқади Фақат борлиқлар эмас, ҳатто йўқликлар ҳам ўзларини бор этишини (Оллоҳдан - тарж) умид қилиб яшайдилар» (*Abu Homid G'azzoliy 2006:175*).

Ахлоқий мезон ва ахлоқий меъёрни белгилашда адолат тушунчаси ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Зеро, адолат ўзига хос ахлоқий категория бўлиб, ижтимоий ҳаётда, давлат ва жамият бошқарувида муҳим ўрин эгаллайди. Адолатнинг ахлоқшуносликда категория сифатида қарор топиши, шаклланиш эволюцияси жуда узоқ тарихга бориб тақалади. Хусусан, адолатга интилиш ибтидоий жамоа тузуми даврида уруғ ичида ўзига хос анъана ва урфларни шакллантирган. Шунингдек адолатга интилиб яшаш кейинги барча даврлар учун ҳам ўзига хос ўрин тутиб, ижтимоий ҳаётда бу тамойилга эришиш учун ахлоқ билан ўзаро уйғунликни тиклашга, мувозанатни адолат ва ахлоқ асосида бўлишини таъкидлаган кўпгина ҳукмдорлар ҳокимиятни қўлга киритганларидан сўнг берилган барча ваъдаларини унутганлар. Бу ҳолат ҳар бир давр учун ўзига хос анъанага айланиб улгурган бир пайтда Марказий Осиёда “Куч-адолатда” деган тамойил билан ҳокимият тепасига буюк бобокалонимиз Амир Темур келди. Худди шу даврдан бошлаб эса бир қанча олимлар, файласуфлар адолатнинг ижтимоий ҳаёт тараққиёти учун қанчалик муҳим категория эканлигига бағишланган асарлар ярата бошладилар. Хусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи муҳсиний” асарининг 15-бобида адолат тушунчасига батафсил тўхталиб ўтади ва ўзига хос шарҳлайди. У адолатни халқнинг ҳуқуқий тенглигини таъминловчи муҳим категория сифатида баҳолаб, “Адл шундай зийнатдирки, у мамлакатга оройиш беради, бир қуёшқи, унинг нури билан зулмат ёруғликка айланади”, – (*O'zME 2011:161*) деб, таърифлайди. Шундай экан, адолат мутафаккир берган таърифга кўра инсоннинг энг яхши фазилати, адолатсизлик эса инсонлардаги энг ёмон иллат эканлигига гувоҳ бўламиз. Инсониятнинг тобора жаҳолат ботқоғига ботиб бориши, ижтимоий ҳаётда юз бераётган глобал маънавий инқирозларнинг барчаси адолат мезонининг бузилиши оқибатида юз бераётганлигига ажабланмасак ҳам бўлади. Аллома бу хусусда адолат йўқ жойда заифу бечоралар қакшатилади дейди. Заифлар ҳалок бўлгач, унда жамиятда кучлилар ҳам қолмаслиги ва бунинг оқибатида жамиятда мувозанат бузилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Чунки ҳар қайси жамиятда ҳам кичиклар билан улуғларнинг турмушлари

бир-бирига боғлиқдир. Адолат йўқ жойда халқнинг ахволи яхши бўлмайди.

Ахлоқий мезон дастлаб яхшилик ва ёмонлик билан характерланади. Чунки айнан яхшилик ва ёмонлик ахлоқий баҳонинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, улар асосан ахлоқий ва ахлоқсизлик шакли сифатида талқин қилинади. Бунда яхшилик асосан ижобий ахлоқий қадриятларга эга бўлган, ахлоқий талабларга жавоб берадиган, ёмонликка қарши турадиган ахлоқий ва ахлоқсиз нарсаларни фарқлаш учун хизмат қилувчи барча нарсаларни бирлаштирадиган ахлоқий идеал сифатида таъриф ва тасниф этилади. Шу боисдан ҳам жамиятда белгиланган ахлоқий мезон ва меъёрлар одамлардан одамларга, асрдан-асрга ўзгариб, улар кўпинча бир-бирига тўғридан-тўғри зид келиб қолиши ҳам мумкин. Турли хил фалсафий таълимотларда яхшиликни инсоннинг табиатидан, жамоат фаровонлигидан, космик қонундан ёки дунё ғоясидан ажратиб олиш одат тусига кирган. Яхшиликнинг жуда аниқ таърифини ишлаб чиқиш анча мураккаб иш. Баъзи олимлар, бу тушунчани ҳеч қандай таъриф билан қамраб олинмаслигини таъкидлаб энг юқори, бошланғич ва якуний тушунчани кўрсатиб, яхшисини аниқлашга уринишдан бош тортишади. Ёмонлик ҳам ахлоқий тушунча ҳисобланади, унинг мазмунида яхшиликка тесқари, умуман ахлоқсизлик ғоясини ифода этадиган, одоб-ахлоқ талабларига зид, қораланишга лойиқдир. Бу тушунча салбий ахлоқий одатларнинг умумий мавҳум хусусиятини ифода қилади. Яхшилик ва ёмонлик тушунчалари, бошқа ахлоқий тушунчалар сингари, ҳаммиша инсон онги ва қалбини эгаллаб келган. Шу боисдан ҳам Жан Жак Руссо “Қимматбаҳо кийимлар одамнинг ўзига тўқлигидан, либосларнинг нафислиги эса унинг дидли эканлигидан далолат беради. Лекин одамнинг соғломлиги ва бақувватлиги бошқа белгиларида намоён бўлади: сарой аҳлининг зарбоф кийимлари остида эмас, балки ер ҳайдаётган деҳқоннинг эски чопони остида, яъни унинг куч-қудратга тўлган жисмида кўринади. Рухий қувват – ясан-тусанда эмас, инсоний фазилатлардадир. Фазилатли инсон яланғоч ҳолатда қураш тушаётган полвонга ўхшайди – арзимас тақинчоклару, ялтироқ кийим-кечаклардан у жирканади, чунки бор кучини кўрсатишга улар халакит беради, қолаверса, бундай нарсалар кўпинча, хунуқликни ёпиш учун ўйлаб топилган”, – (<https://ziyouz.uz/jahon-nasri/jan-jak-russo/zhan-zhak-russo-ilm-fanva-san-at-ravna-i-akhlo-ning-poklanishiga-jordamberadimi/>) деб таъкидлайди.

Спиноза киши яхши бўлиб ҳам, ёмон бўлиб ҳам туғилмайди, – деб таъкидлайди. Одам ўзининг шахсий манфаати учун яхши ёки ёмон ишга юради (*Спиноза Б 2019:368*). Гельвеций эса ўзининг ахлоққа доир асарларида шахсий манфаат инсон фазилатларининг ягона мезонидир, деб исботлаш-

га уринади. Унинг таъкидлашича, жамиятда кишиларнинг фазилятлари ва нуқсонлари фақат шахсий манфаатнинг қандайлигига боғлиқ. Аммо шахсий манфаат ижтимоий манфаатга мувофиқ келгандagina яхшиликдир, акс ҳолда у ёмонликка айланади. Шахсий манфаатларни ижтимоий манфаатлардан айирадиган ахлоқ бемаъни, инсон табиатига зид бўлган ахлоқдир (*Gelvesiy K 2006:560*). Бизнинг назаримизда, айнан ахлоқ кишиларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётида, фаолиятида, кундалик турмушида амал қиладиган тамойил, норма, қоидаларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Бироқ, айнан шу тамойил, норма, қоидаларни инсон амалда, кундалик турмушда, фаолиятда қандай бажаряпти, масъулият ҳисси борми, виждонан, ҳалол, самимий, инсоний жиҳатлари борми? Бундай саволларга доимо бир хил жавоб бериш қийин. Баъзан бир хил шароитда, бир хил вазиятда, биров мард, биров кўрқоқ, биров меҳнатсевар, биров танбал, биров яхши, биров ёмон бўлади. Ахлоқсиз шарт-шароитда ахлоқсиз бўлиш мумкинлиги ҳаётда учраб туради. Масалан, мардона хатти-ҳаракат қилган кишиларни мард, адолатли иш қилган кишини адолатпарвар деймиз. Ахлоқнинг ижтимоий моҳияти ҳам, амалий жиҳати ҳам ана шунда, (*Aristotel 2018:544*) деб таъкидлаб ўтган юнон мутафаккири Арасту. Сукрот эса “мард бўлиш учун, мардлик ҳақидаги билимни эгаллаш керак”, “қаноатли бўлиш учун, ҳиссиётларга йўл қўймаслик керак” деб ахлоқни биринчи марта билим билан узвий боғлиқлигини айтиб ўтади (*Radlov E 2002:320*). Инсон хулқи уларнинг назарида, ижтимоий ахлоқнинг асосий қисми экан, одамларнинг фароғати ҳамиша бахт-саодатга, ижтимоий тараққиётга боғлиқ. Шу боисдан ҳам ахлоқий мезон ва ахлоқий меъёрлар сиёсат билан, қонунлар билан мустаҳкам боғланган. Шунинг учун ҳам француз файласуфлари кишиларнинг салбий хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳукумат ва у чиқарадиган ёмон қонунлар зиммасига юклайдилар. Улар яна ахлоқни мукамаллаштирмоқ учун бошқаришнинг ижтимоий формаларини ва қонунларини ўзгартириш керак (*Vezen F 2010:152*), деб ҳисоблаганлар, чунки тарбия ва маърифат кўп жиҳатдан уларга боғлиқдир.

И.Кант эса жамият ривожини қарама-қаршиликка эга жараён деб таъкидлайди, инсон комиллик сари кетмоқда, аммо айни пайтда цивилизация кишанлари уни тобора қисиб бормоқда фақат мувозанат, меъёр тушунчалари бунга маълум бир чегаралар қўяди. Прогресс антагонизм, одамларнинг, меҳнат турларининг, қобилиятларнинг тақсимланишига олиб келади. Бир биридан алоҳида олам ва одам тараққиёти қанчалик ютуқларга эришмасин, бундай ёндашув асосида ётувчи мақсадларнинг зиёни ва зулми остида инсоният қанчалик қийналганликларини рад этиб бўлмайди. Фақат фанни ривожлантиришга қаратилган кучларнинг зўр бериб ишлати-

лиши натижасида ноёб одамларни етиштиб бериш мумкин, ўзини тор доирада чегаралаб қўйиш натижасида инсонни ўз соҳасининг мутахассиси қилиш мумкин, аммо бу “касб кретинизми” феномени кучайишига олиб келади. Бу билан биз инсонни инсонийликдан узоқлаштирувчи, олам ва одам тизимлари уйғунлигини йўқотувчи механизмни ишга солган бўламиз. Шу ўринда фалсафанинг айниқса унинг таркибий қисми ҳисобланган ахлоқнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Тўғри, ҳар доим ҳам ёвузликка хизмат қиладиган кашфиёт қилган “ботаник” дидактик асарни ўқишига, ундан ташқари унинг таъсирида дарров ижобий томонга ўзгариб қолишига ишониб бўлмайди. Илмий муаммонинг ечимини ҳам бадий асарда излаб бўлмайди, чунки улар орасида тўғридан-тўғри алоқа йўқ, аммо, нисбий алоқадорлик мавжуд. Бадий асар саҳифаларида ахлоқий гоғлар юзага келади, улар кейинчалик ахлоқ нормаси бўлиб шаклланади. Эстетик идеал кўпинча ижтимоий идеалга айланган: уйғунлик ҳисси ижтимоий уйғунликни талаб қилган. Шу нуқтаи назардан, инсон бадий идрок орқали, ижод оламига шўнғиб, бузилган ёки зарарланиб қолган борлигини ахлоқ билан “тузатиши” мумкин. Ҳозирги кунда, инсоният катта ҳавф остида қолган бир вақтда, фақат илм-фан эмас ахлоқ ва маданият ҳам унга ёрдамга келади ва ўзининг жон ато қилувчи хусусияти билан цивилизация бино қилган яраларига малҳам бўлади.

И.Кант ахлоқий қарашлари, хусусан “қатъий императив”и ўсиб келаётган ёш авлодга ана шундай ҳақиқатларни англаб етишига асос бўлади. Эҳтимол ҳозирча инсон трансцендент билимга инсон эриша олмас, бу йўлдан бориш учун инсон моҳиятан ўзгариши, маънавий юксакликларга эриши ва жисмонан соғлом бўлиши талаб этилади. Дарҳақиқат, унга олиб борувчи йўллар ҳар доим очиқлигича қолаверади. Фан ҳам бу ҳақда конкрет жавоб бера олмайди, аммо унинг вакили сифатида синергетика мураккаб, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизимлар эволюцияси қонунлари билан қиёсий таҳлил қилиб, шундай имконият бор, – деб ҳисоблайди. Уни инсоният эволюцияси йўлидаги, жуда узоқдаги аттрактор сифатида кўриб чиқади. Иммануил Кантни эса инсониятни шу йўлдан бошлаб бораётган файласуф десак, муболаға бўлмайди. В.С. Соловьев ёзади: “Кант ақл учун янги оламларни очмайди, аммо уни шундай баланд чўккиларга олиб чиқадики, унда олам ва одам дунёси ва моҳияти ҳақиқий манзарада очилади” (*Rerix E 2000:251*). Бундан маълум бўладики, ахлоқ айнан инсонга хос бўлган онгнинг ўзига хос ифодаси ҳисобланади. Бу жараён эса ахлоқий онг сифатида намоён бўлади.

Ахлоқий онг умуман онг сингари, ўзида мураккаб кўп даражали ва кўп тузилмали тизимни ифодалайди. Ахлоқий онг тузилмасида икки даражани ажратиш мумкин: одатий ва назарий, уларни бир-бирига зид қўйиш ғайриқо-

нунийдир, чунки инсон назарий онг даражасига кўтарилар экан, у ўз ҳис-туйғуларини унинг остонасига ташлаб келмайди. Улар ҳам ана шу ҳаракатда янгиланиб, ўзгариб, янги даражага кўтарилади. Ахлоқий онгнинг одатий даражасини ахлоқий меъёрлар, баҳолар, одатлар кўринишида ифодаланган дунёни ўзлаштириш усули сифатида таърифлаш мумкин. У кишиларнинг кундалик, кундан кунга бир хилда такрорланадиган муносабатларини акс эттиради.

Назарий даража эса – ахлоқий тушунчалар, концепциялар кўринишида ифодаланган дунёни ўзлаштириш усули бўлиб, унда глобал ахлоқий муаммолар акс этади. Бизнинг назаримизда, ахлоқий онг тузилмаси – бу наинки даражалар тизими, балки бутун бир яхлитликдир. Унда ҳамма нарса ўзаро боғлиқ ва ундаги ҳар бир элемент фақат бошқа элементлар билан алоқага киришгандагина муайян мазмун касб этади. Одатий даражадаги ахлоқий онг одатлар, анъаналар, меъёр ва баҳолар каби таркибий ташкил қилувчилар орқали ифодаланади. Бу жараёнда одат – бу одатий ахлоқий онгнинг мустақкам элементи бўлиб, мунтазам такрорланадиган хатти-ҳаракатлар тизими кўринишидаги реал воқеликни акс эттиради. У ноишлаб чиқариш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни яхшилик ва ёмонлик нуқтаи назаридан тартибга солади, ижтимоий фикр кучига таянади, расм-русум ва маросимлар билан узвий боғлиқликда амал қилади. Анъана эса бу одатий ахлоқий онгнинг тарихан шаклланган мустақкам ва узоқ яшайдиган элементи, у ижтимоий ҳаётни унинг турли жабҳаларида фаол акс эттиради, инсон хулқ-атворини кишилар ўртасидаги инсоний ахлоқий муносабатларни мустақкамлаш ва ривожлантиришга йўналтиради, киши фаолиятининг ҳиссий таъсирчан томонлари билан чамбарчас боғлиқ. Ахлоқий меъёр ҳам ахлоқий онгнинг таркибий элементи бўлиб, кишилар хулқ-атворининг мажбурий ва мумкин бўлган кўринишларининг ўзига хос чек-чегараси. Унинг асосида индивидлар фаолияти, муносабатлари яхшилик ва ёмонлик нуқтаи назаридан тартибга солинади. Ахлоқий баҳо – унинг ёрдамида инсон хулқ-атворининг ахлоқий меъёрларга мос келиш-келмаслиги аниқланадиган ахлоқий онгнинг таркибий элементи ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, юқорида баён этилган барча таркибий элементлар ўзаро узвий боғлиқ, лекин мазкур даражанинг асосини ахлоқий меъёрлар ташкил этади, чунки улар ёрдамида кишилар манфаатларини мувофиқлаштириш, мулоқот жараёнини ташкил қилиш, муносабатларда энг кам, жуда бўлмаганда, усиз мулоқот субъектларининг ўзаро таъсирини умуман тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги инсонийликни сақлаш ва такрор яратиш мумкин бўлади.

Хуллас, бугунги кунда илгари сурилаётган ахлоқ тўғрисидаги фалсафий қарашлар ўзининг ғайриоддий маъно-мазмун билан алоҳида ажралиб туради. Чунки ҳозирда ахлоқ замонавий маданият ва жамиятнинг прагматик манфаатларига хизмат қилиш воситасига айлантирилмоқда. Бундан маълум бўладики, ахлоқий мезон ва ахлоқий меъёр кўпроқ амалий характерга эга бўлиб, профессионал ахлоқий қоидаларни шаклланишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, ахлоқ жамиятда кишиларни ижтимоий тартибга солишдаги муҳим инструментал функцияни бажармоқда. Инсон ҳаётида ахлоқий мезон ва ахлоқий меъёр катта аҳамиятга эга. Улар тамойилларга нисбатан анча содда, умумлашмаган, тор қамровли. Уларни кундалик ҳаётимизда маълум ахлоқий мақсад ва ахлоқий қоидаларнинг амалга ошиш мурватлари ҳам дейиш мумкин. Шунингдек, бу тушунчалар ахлоқий талабларнинг энг оддий, лекин кенг тарқалган шакли сифатида рўёбга чиқади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Imom Buxoriy. Sahihi Buxoriy. “O‘zbekistan milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent –2008, “Odob kitobi” 27-bob, 6011-hadis.
2. Qur‘oni Karim, (1992) (O‘zbekcha izohli tarjima), tar. A. Mansur. Toshkent, 1992. 425-b.
3. Abdulla, Sher (2000) Axloqshunoslik. –Toshkent, 2000, 15-bet.
4. <https://khyuldoshev.wordpress.com/category/mulohaza/>
5. <https://khyuldoshev.wordpress.com/category/mulohaza/>
6. Xayrullaev, M (1961) Abu Nasr Forbiy. -T.: 1961. – 39-40 b
7. Fish, Radiy (1986) Jaloliddin Rumiy: Tarixiy biografik roman. T.: Adabiyot va san‘at nashriyoti, 1986. 34 bet.
8. Abu Homid G‘azzoliy, (2006) “Riyozatun-nafs”, Movarounnahr, Toshkent, 2006. 21-b.
9. Abu Homid G‘azzoliy, (2002) Mukoshafat ul-qulub. T., Adolat, 2002, 336-b.
10. Abu Homid G‘azzoliy, (2006) “Riyozatun-nafs”, Movarounnahr, Toshkent: 2006. 30-b.
11. Abu Homid G‘azzoliy, (2002) “Riyozatun-nafs”, Movarounnahr, Toshkent, 2006. 175-b
12. Husayn Voiz Koshifiy, (2011) – T: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2011. – 161 b.
13. <https://ziyouz.uz/jahon-nasri/jan-jak-russo/zhanzhak-russo-ilm-fan-va-san-at-ravna-i-akhlo-ning-poklanishiga-jordam-beradimi/>
14. Spinoza B, (2019) Etika. Seriya Etika M RIPOL Klassik 2019. – 368 s.
15. Gelvesiy K, (2006) Ob ume. (Velikie mysliteli). Per. s frans. M. Mir knigi - Literatura. 2006. – 560s.
16. Aristotel, (2018) Etika, politika, ritorika, aforizmy Seriya: Biblioteka izbrannykh sochineniy Moskva Eksmo 2018. - 544 s.
17. Radlov E L, (2002) Etika. Seriya: Eticheskaya mysl. SPb.: Nauka, 2002. - 320s.
18. Vezen F, (2010) Fede F. Filosofiya fransuzskaya i filosofiya nemeskaya / F. Vezen. Voobrajaemoe. Vlast / F. Fede. Per. s fr. Izd.2 M. Yeditorial URSS 2010. - 152s.
19. Rerix Ye, (2000) U poroga Novogo Mira. — M., 2000. 251 b.